



BUYRUQ

2022-y. «31» 08

№ 58

Бош Банкда харид бўйича танлашларни амалга ошириш учун кичик харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақида

Бош банкда харидлар бўйича энг яхши таклифларни танлашни амалга ошириш мақсадида Банкнинг 2021 йил 22 декабрдаги 108-сонли буйруғи билан Бош Банк кичик харид комиссиясининг таркиби тасдиқланган.

Бош банкда амалга оширилаётган трансформация жараёнида таркибий бўлинмаларнинг номи, вазифа ва функцияси ўзгарганлиги сабабли, айрим банк ходимлари бошқа таркибий бўлинмаларига ўтказилган. Натижада, комиссия аъзоларининг таркибий бўлинмалари ҳам ўзгарган.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ тизимида харидларни амалга ошириш тартиби"нинг (рўйхат рақами: 485, 2022 йил 27 январь) 28-бандига асосан Буюртмачи танлашни ўтказиш учун ток сонли аъзолардан камида 5 (беш) кишидан иборат "Харид комиссияси"ни тузиши, комиссия аъзоларининг таркиби ва сони олинган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хусусиятларини инобатга олган ҳолда буюртмачининг тегишли буйруғи билан тузилиши ва тарқатиб юборилиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чикиб, Бош банкда харидларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилиши ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н :

1. Бош банк кичик харид комиссияси (кейинги ўринларда - Комиссия) қуйидаги янги таркибда тузилсин:

Н.Рахмонов	Ходимларни бошқариш департаменти директори ўринбосари – бошқарма бошлиғи – Комиссия Раиси;
Б.Джулдасов	Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти, Банк хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари – Комиссия Раиси ўринбосари
У.Мухаммадиев	Банк маҳсулотларини сотиш ва тармоқларни мувофиқлаштириш департаменти, Тармоқларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
М.Расулев	Операцион департамент Касса операцияларини мувофиқлаштириш бошқармаси, Нақд пул муомаласини таҳлил ва назорат қилиш бўлими бошлиғи

Ж.Камолхонов

Юридик департамент Халқаро ҳуқуқий муносабатлар
ва ҳуқуқий таъминлаш бошқармаси бош
юрисконсулти

Комиссия котиби вазифасини Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти Харидларни ташкил этиш бошқармаси масъул ходимлари бажаради.

2. Комиссия аъзоси меҳнат ёки ўқув таътили, вақтинча меҳнатга лаёқатсиз ёхуд хизмат сафарида бўлганида, вазифаси вақтинчалик юклатилган ёки лавозим йўриқномаси бўйича вазифасини бажарувчи шахс унинг вазифасини бажаради.

Комиссия аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, комиссия таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли вазифаларни бажариш зиммасига юкланган шахс киритилади.

3. Шу муносабат билан Банкнинг 2021 йил 22 декабрдаги 108-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсин.


4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари А.Акбаржонов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси




С.Аннакличев

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари



А.Акбаржонов

Юридик департамент
директори



Б.Норхужаев

Киритилди:

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
менежмент департаменти директори



О.Воҳидов

